Критерий №3 Асосий воситалар тугрисида маълумотнома. Иштирокчилар шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалиги солиқ ва бошқа мажбурий туловлардан қарздорлик мавжуд эмаслигитугрисида маълумотнома. Узига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб таоминларининг мавжуд эмаслиги инсовсиз ижрочилар ягона рејстрида қайд этилмаганлигитугрисида маълумотнома.

Тип: Текстовое значение

Описание: Асосий воситалар тугрисида маълумотнома. Иштирокчилар шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалиги солиқ ва бошқа мажбурий туловлардан қарздорлик мавжуд эмаслигитугрисида маълумотнома. Узига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб таоминларининг мавжуд эмаслиги инсовсиз ижрочилар ягона рејстрида қайд этилмаганлигитугрисида маълумотнома.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
RAVON-YO'LLAR QURISH MCHJ	20	350482218	18	Экспертная		
"HUSNIYAHON PLUS" M.Ch.J.	20	Барча маълумотлар аслига тугри	18	Экспертная		
ООО BOBUR-BUNYOD-TRANS	20	1	7	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата Предложения	Оценка стоимости (балл)
"HUSNIYAHON PLUS" M.Ch.J.	353 800 000.00	317 000 000.00 UZS	317 000 000.00	00.00	317 000 000.00	23.08.2022 15:20:19	20.00
ООО BOBUR-BUNYOD-TRANS	353 800 000.00	349 300 000.00 UZS	349 300 000.00	00.00	349 300 000.00	23.08.2022 15:30:33	18.15
RAVON-YO`LLAR QURISH MCHJ	353 800 000.00	350 482 218.00 UZS	350 482 218.00	00.00	350 482 218.00	22.08.2022 17:42:05	18.09

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"HUSNIYAHON PLUS" M.Ch.J.	73.3336	20	93.3336
ООО BOBUR-BUNYOD-TRANS	49.3336	18.15	67.4836
RAVON-YO`LLAR QURISH MCHJ	68	18.09	86.09

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 138690 от 24.08.2022 года на приобретение Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог определила победителем:

"HUSNIYAHON PLUS" M.Ch.J.  
303374348

и резервный исполнитель: RAVON-YO`LLAR QURISH MCHJ (307236887)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	Эргашов Жахонгир	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	MAXAMEDOV ALISHER ALIMOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ТАЛИБАҲЕВ ДИЛШОБ СУРАБОВИЧ	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	АХИНОВ ДИЛМУРАД КАЛДАРБЕКОВИЧ	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	БОҲЗОКОВ ВАХТИҲОР ЖОНАЗАКОВИЧ	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «26» 8

92-10-136-ОВ/2022-

сон

\_\_Ғазалкент\_ш.

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилувчи Бўстонлик тумани Ободонлаштириш бошқармаси Низом асосида иш юритувчи раҳбар Эргашев Ж.Х. бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилувчи «HUSNIYAXON PLYUS» МЧЖ номидан устав асосида иш юритувчи директор Хуштвахтов Ш.А. шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1.Шартнома предмети

1.1. Буюртмачи эса Пудратчига ишни бажариш учун зарур шароит яратиб бериш, бажарилган ишлар натижасини қабул қилиш ва келишилган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

## 2.Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1.Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати ҚҚС билан 317 000 000 сўм ( Уч юз ўн етти миллион ) сўмни ташкил қилади.

2.2. Ишлар қиймати қуйидаги ҳолларда қайта кўриб чиқилиши мумкин:

-қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

-ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

-объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

2.3. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, шартномага тегишли ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги келишув билан расмийлаштирилади.

## 3.Пудратчининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномага мувофиқ фақатгина ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

- ўз кучи ва воситалари билан материаллар, қурилмалар, ашёларни жойлаштириш ва ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун зарур бўлган барча муваққат биноларни қуриш;

- Буюртмачини пудрат шартнома тузилиш давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- қурилиш майдончасида техника ва ёнғин хавфсизлиги ҳамда қурилиш майдончасининг қўриқланиши бўйича зарурий тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

- қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш-монтаж материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

- пудратчи ўз ходимлари ва субпудратчиларининг ходимлари томонидан ишларнинг хавфсизлик талабларига риоя қилган ҳолда бажарилиши учун тўлиқ жавобгар бўлади.

- пудратчи ёки субпудратчининг ходимлари томонидан учинчи шахсларга етказилган зарар учун Пудратчи тўлиқ жавобгар бўлади.

#### **4. Буюртмачининг мажбуриятлари:**

4.1 Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) кун муддатда ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш-монтаж тугаллангунга қадар бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган, Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартноманинг 1-бандида назарда тутилган ишларни бажарганлик учун Пудратчига ҳақ тўлаш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 (бир) ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- объектни топширишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма хабарномасини олган санадан бошлаб 15 кун ичида объектни қабул қилиб олиш.

#### **5. Ишларни бажариш муддатлари**

5.1. Пудратчи шартнома кучга киргандан сўнг шартнома баҳосининг 30 % миқдоридан аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

5.2. Қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 45 (қирк беш) иш календарь кунни ташкил этади.

5.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

#### **6. Тўловлар ва ҳисоб-китоб**

6.1 Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдоридан аванс ўтказиши.

6.2. Бажарилган ишлар сифати сифат текшириш комиссияси томонидан текшириб, текширув натижаси бўйича ҳисоб китоб қилинган суммага асосан буюртмачи томонидан ўтказилади.

6.3. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, топширилган ишлар қийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

6.4. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 10 (ўн) кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир

томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

6.5.Объект Буюртмачига топширилгунига қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

## **7.Ишларни бажариш**

7.1.Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг V бўлимида кўрсатилаган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режасига ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

7.2.Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

## **8.Ишларни қўриқлаш**

8.1.Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

8.2.Бажарилган ишлар ва вақтинчалик иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## **9.Енгиб бўлмайдиган куч**

9.1.Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, бунда томонлар мажбуриятни қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

9.2.Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокам қиладилар.

9.3.Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини таяб қилишга ҳақлидир.

## **10.Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш**

10.1.Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

10.2.Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 3 (уч) кун мобайнида қабул қилиб олинади.

10.3.Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда



тасдиқлаши керак.

10.4.Қабул қилиб олинган пайдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## 11.Кафолатлар

### 11.1. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришини;

- лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларда кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

11.2.Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 (ун икки) ой қилиб белгиланади.

11.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

## 12.Шартномани бекор қилиш

### 12.1. Буюртмачи:

-шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

### 12.2. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

12.3.Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш 1 (бир) ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

12.4.Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

12.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган



зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

12.6.Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### **13.Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги**

13.1.Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқӣ базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқа жавобгарликга тортилади.

13.2.Мазкур шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.1 фоизи миқдориде пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

13.3.Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлик учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг 0.1 фоизи миқдориде пеня тўлайди.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.1 фоизи миқдориде пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

13.4. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкни йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

13.5. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур тарзда бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

### **14.Низоларни ҳал қилиш тартиби**

14.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

### **15. Шартномани амал қилиш муддати**

15.1. Шартномани амал қилиш муддати 31 декабр 2022 йил.

### **16.Алоҳида шартлар**

16.1. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи шахслар томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

16.2. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

16.3. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.4. Мазкур шартнома назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

16.5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган.

### 17.Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

«Пудратчи»

«Буюртмачи»

«HUSNIYAXON PLYUS» МЧЖ  
Тошкент вилоят Охангарон шаҳар 2-12-37  
х/р 20208000900480153001

АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Бош офиси  
МФӨ: 00440, ННН: 303374348,  
ОКЭД 41202

Тел: 97 598 05 45

Тел: 93 187 85 65

Директор

А.Хуштвахтов



Бўстонлиқ тумани Ободонлаштириш бошқармаси  
Бўстонлиқ тумани Газалкент шаҳри Чирчиқ кўчаси  
х/р: 401722860272247065200110005

Халқ банки Газалкент филиали

МФӨ:00770, СТИР:205210663,

Тел:70-7000-653

Раҳбар:

Ж.Х.Эргашев



-sonli shartnomaga  
ILOVA

### Korrupsiyaga qarshi qoidalarining ASOSIY SHARTLARI

1. Tomonlar shartnoma bo'yicha o'z majburiyatlarini bajarayotganda O'zbekiston Respublikasining korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risidagi qonun hujjatlarining talablariga zid keladigan har qanday harakatlarni amalga oshirmaydilar, shu jumladan pora, ya'ni Bo'stonliq tumani Obodonlashtirish boshqarmasi xodimi o'z xizmat majburiyatlaridan foydalangan holda pora bergan shaxsning manfaatlarini ko'zlab muayyan harakatlarni sodir etishi yoki sodir etmasligi shartligi yohud mumkinligi uchun moddiy qimmatliklarni yoki mulkiy naf olish uchun quyidagi harakatlarni qilmaydi:

pora berishni taklif qilish yoki va'da berish;

tovlamachilik qilish;pora sifatida pul to'lash;

bevosita yoki bilvosita pora olishga rozilik berish.



Tomonlar ushbu harakatlarga yo'l qo'ymaslik bo'yicha choralar ko'rilishiga kafolat beradi.

2. Agar shartnoma bo'yicha bir Tomon Bo'stonliq tumani Obodonlashtirish boshqarmasi xodimining axloqqa to'g'ri kelmaydigan va ushbu shartnoma yoki O'zbekiston Respublikasi qonunchilik hujjatlariga zid keladigan xatti-harakatlariga, shu jumladan, korrupsiyaga oid huquqbuzarlik sodir etishga majburlashdan iborat bo'lgan faktlarga duch kelsa, bu haqda quyidagi aloqa kanallaridan biri orqali xabardor qilishi kerak:

korrupsiya haqida xabar berishga mo'ljallangan ishonch telefoni;

Bo'stonliq tumani Obodonlashtirish boshqarmasi E-mail: [bustobodon@umail.uz](mailto:bustobodon@umail.uz).

### TOMONLAR:

<p>buyurtmachi: Boshliq J.X.Ergashev</p> 	<p>pudratchi: «HUSNIYAXON PLYUS» МЧЖ Direktor Xushtvaxtov SH.A.</p> 
--	--



**BO'STONLIQ TUMANI OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI  
YURIDIK AXAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

1. **Loyihaning turi:** shartnoma TP20008761
2. **Loyihaning nomi:** pudrat shartnomasi.
3. **Loyihaning ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana xaqidagi ma'lumot:**

Bo'stonliq tuman obodonlashtirish boshkarmasi tomonidan 2022 yil 24 avgust kuni Bo'stonliq tuman obodonlashtirish boshqarmasi boshliq J.X.Ergashev va «HUSNIYAXON PLYUS» MChJ nomidan ustav aosida ish yurituvchi direktor Xushtvaxtov Sh.A. 317 000 000 (Uch yuz o'n yetti million) so'mlik pudrat shartnoma loyihasi (TP20008761-sonli hujjat raqami) O'zbekiston Respublikasi FKning 26-27-28-boblari va Ho'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risidagi qonunlar talablariga rioya qilingan holda ishlab chiqilgan,

**X U L O S A :**

Bo'stonliq tuman obodonlashtirish boshqarmasi boshliq J.X.Ergashev va «HUSNIYAXON PLYUS» MChJ nomidan ustav aosida ish yurituvchi direktor Xushtvaxtov Sh.A. 317 000 000 (Uch yuz o'n yetti million) so'mlik pudrat shartnoma loyihasi shartnomasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Markaz boshlig'i**



**U.Tulaganov**

2022-yil 25 avgust



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"HUSNIYAHON PLYUS" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"HUSNIYAHON PLYUS" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

24.06.2015

3239

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

303374348

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Toshkent viloyati, Ohangaron shahri, 2 kichik nohiya 12 uy 37 xonadon,

Guvohnoma:

Toshkent viloyati, Ohangaron shahri, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan  
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):







**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ**

**ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ ТЎЛОВЧИСИ СИФАТИДА  
РЎЙХАТДАН ЎТГАНЛИК ТЎҒРИСИДА**

**Г У В О Ҳ Н О М А**

Ушбу Гувохнома қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида  
рўйхатдан ўтганлигини ҳамда рўйхатдан ўтиш коди берилганлигини  
тасдиқлайди.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ НОМИ:

**ООО "HUSNIYAHON PLYUS"**

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ИДЕНТИФИКАЦИЯ РАҚАМИ:

**303374348**

ПОЧТА МАНЗИЛИ:

**ТАШКЕНТСКАЯ ОБЛАСТЬ, Г. АЛМАЛЫК, РР**

РЎЙХАТДАН ЎТИШ КОДИ:

**327180027548**

РЎЙХАТДАН ЎТИШ САНАСИ:

**14.01.2019**

Бўстонлик тумани Ободонлаштириш бошқармаси йиғилиш

БАЁННОМАСИ № 4

“14” август 2022 йил

Газалкент шаҳри

Йиғилишда қатнашиши лозим бўлганлар 5 нафар

Йиғилишда қатнашганлар 4 нафар

Йиғилишда сабабли қатнаша олмаганлар 2 нафар


### КУН ТАРТИБИ

Бўстонлик туманида Ободонлаштириш бошқармасининг 2022 йил биринчи мавсум “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида энг кўп овоз тўплаб ғолиб бўлган таклифларга “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” дан маблағлар ажратиш тўғрисида.

### МАЖЛИС БАЁНИ

Бўстонлик туманида 2022 йил биринчи мавсум “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида энг кўп овоз тўплаб ғолиб бўлган таклифларга “Фуқаролар ташаббуси жамғармасидан маблағлар ажратиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жароёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли қарори ҳамда халқ депутатлари Бўстонлик тумани Кенгашининг “Бўстонлик туман маҳаллий бюджетнинг маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида”ги VI/XXXIV-XI-сонли қарорига асосан “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида энг кўп овоз тўплаб ғолиб бўлган таклифларга “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси орқали маблағлар ажратиш тўғрисидаги хисоботини тинглаб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий дўлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 81 ва 24 моддаларига мувофиқ, халқ депутатлари Бўстонлик тумани Кенгаши қарор қилади:” Жорий йилнинг 13 август, 16 август 2022 йил кунлари Ободонлаштириш бошқармаси “Ташаббусли бюджет” бўйича комиссия аъзолари 5 кишидан иборат комиссия аъзолари : Махамедов Алишер, Тожибоев Дилшод, Дархонов Сардор, Бойзоков Бахтиёр, Ахинов Дилмуродлар Қорабой МФЙ ҳудудида жойлашган Хунарманд кўчаси ҳамда Гулобод МФЙ ҳудудида жойлашган Хурдиёр кўчасини тендр натижалари бўйича ғолибни танлаш муҳокамасида, комиссия аъзоларидан Б.Бойзоков бетоблиги туфайли, касаллик варақасига асосланиб ҳамда Д.Ахинов меҳнат татилида бўлганлиги сабабли қатнаша олмади. Комиссия аъзолари 3 кишидан иборат ходимлар қатнашди.

### ҚАРОР ҚИЛАДИ

 Махамедов Алишер

 Тожибоев Дилшод

 Дархонов Сардор

Бойзоков Бахтиёр

Ахинов Дилмурод



МАЖЛИС БАЁНИ № 5

“24” сентябрь 2022 йил.

**Ғазалкент шаҳри.**

Бўстонлик тумани Ободонлаштириш бошқармаси тасарруфидаги Қорабой МФЙ, Хунарманд ҳамда Гулобод МФЙ Хурдиёр кўчаларини жорий таъмирлаш, объектни фойдаланиш учун таъмирлаш ишлари тайёр ҳолда сифатли ва арзон хизмат кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш мақсадида мажлис ўтказилди.

Қатнашчилар: Бўстонлик тумани Ободонлаштириш бошқармаси маъсул ходимлари

**Комиссия раиси:**

1. Бўстонлик тумани Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи: Ж.Х.Эргашев

**Комиссия аъзолари:**

- Инфратузилма объектлари фойдаланиш бўлими бошлиғи: А.А.Махамедов
- Объектларни сақлаш бўлими бошлиғи: Д.С.Тажибаев
- Объектларни сақлаш бўлими муҳандиси: С.Д.Дарханов
- Участка бригадири: Д.К.Ахинов
- Участка бригадири: Б.Ж.Бойзоқов

**КУН ТАРТИБИ:**

- Қорабой МФЙ, Хунарманд ҳамда Гулобод МФЙ Хурдиёр кўчаларини жорий таъмирлаш, объектни фойдаланишга тайёр ҳолда таъмирлашда сифатли ва арзон хизмат кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш. Йиғилишни комиссия аъзоларидан С.Дарханов очиб, йиғилиш қатнашчиларига Қорабой МФЙ, Хунарманд ҳамда Гулобод МФЙ Хурдиёр кўчаларини жорий таъмирлаш, объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш, таъмирлашда сифатли ва арзон хизмат кўрсатувчи ташкилотни аниқлаб бериш бўйича ўтказилаётган тендер танловида қуйидаги ташкилотлар қатнашганлар:

№	Товар номи	Ўлчов бирлиги	“HUSNIYAHON PLUS” MCHJ	“RAVON YOLLAR” MCHJ	“PROGRESS ALTERNATIF” MCHJ	“EF PRO BUILD” MCHJ
			Нархи	Нархи	Нархи	Нархи
1	Қорабой МФЙ, Хунарманд кўчасини жорий таъмирлаш	Объект	----	475 452,2	---	---
2	Гулобод МФЙ Хурдиёр кўчасини жорий таъмирлаш	Объект	317 000 000	----	---	---

Тендер танлов конкурсида Қорабой МФЙ, Хунарманд ҳамда Гулобод МФЙ Хурдиёр кўчаларини жорий таъмирлаш, ҳамда объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш, таъмирлашда сифатли ва арзон хизмат кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш учун комиссия аъзолари тижорат таклифлари буйича нархларни кўриб чиқиб, Қорабой МФЙ, Хунарманд кўчасини “RAVON YOLLAR” MCHJ, Гулобод МФЙ Хурдиёр кўчасини “HUSNIYAHON PLUS” MCHJ корхоналари томонидан кўрсатган нархини арзонлигини аниқлади, шунингдек юқоридагиларни кўриб чиқиб комиссия аъзолари

**Қарор қилади:**

- Қорабой МФЙ, Хунарманд ҳамда Гулобод МФЙ Хурдиёр кўчаларини жорий таъмирлаш, объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топширишда ҳамда сифатли ва арзон хизмат кўрсатувчи тижорат таклифлари бўйича нархи кўриб чиқилиб, Қорабой МФЙ, Хунарманд кўчасини “RAVON YOLLAR” MCHJ, Гулобод МФЙ Хурдиёр кўчасини “HUSNIYAHON PLUS” MCHJ корхоналари томонидан бошқа қатнашчиларга нисбатан бажариладиган ишлар арзон нархда бўлганлиги сабабли ғолиб деб топилди. Қорабой МФЙ, Хунарманд ҳамда Гулобод МФЙ Хурдиёр кўчаларини жорий таъмирлаш, объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш учун шартнома тузилсин.

**Комиссия аъзолари:**

- Инфратузилма бўлими бошлиғи: А.А.Махамедов
- Объектларни сақлаш бўлими бошлиғи: Д.С.Тажибаев
- Бўлим муҳандиси: С.Д.Дарханов
- Участка бригадири: Д.К.Ахинов
- Участка бригадири: Б.Ж.Бойзоқов



Ғазалкент шаҳри.

Бўстонлик тумани Ободонлаштириш бошқармаси тасарруфидаги Қорабой МФЙ, Хунарманд ҳамда Гулобод МФЙ Хурдиёр кўчаларини жорий таъмирлаш, объектни фойдаланиш учун таъмирлаш ишлари тайёр ҳолда сифатли ва арзон хизмат кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш мақсадида мажлис ўтказилди.

Қатнашдилар: Бўстонлик тумани Ободонлаштириш бошқармаси маъсул ходимлари

**Комиссия раиси:**

1. Бўстонлик тумани Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи: Ж.Х.Эргашев

**Комиссия аъзолари:**

2. Инфратузилма объектлари фойдаланиш бўлими бошлиғи: А.А.Махамедов

3. Объектларни сақлаш бўлими бошлиғи: Д.С.Тажобаев

4. Объектларни сақлаш бўлими муҳандиси: С.Д.Дарханов

5. Участка бригадири: Д.К.Ахинов

6. Участка бригадири: Б.Ж.Бойзоқов

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Қорабой МФЙ, Хунарманд ҳамда Гулобод МФЙ Хурдиёр кўчаларини жорий таъмирлаш, объектни фойдаланишга тайёр ҳолда таъмирлашда сифатли ва арзон хизмат кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш.

Йиғилишни комиссия аъзоларидан С.Дарханов очиб, йиғилиш қатнашчиларига Қорабой МФЙ, Хунарманд ҳамда Гулобод МФЙ Хурдиёр кўчаларини жорий таъмирлаш, объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш, таъмирлашда сифатли ва арзон хизмат кўрсатувчи ташкилотни аниқлаб бериш бўйича ўтказилаётган тендер танловида қуйидаги ташкилотлар қатнашганлар:

№	Товар номи	Ўлчов бирлиги	“HUSNIYAHON PLUS” MCHJ	“RAVON YOLLAR” MCHJ	“PROGRESS ALTERNATIF” MCHJ	“EF PRO BUILD” MCHJ
			Нархи	Нархи	Нархи	Нархи
1	Қорабой МФЙ, Хунарманд кўчасини жорий таъмирлаш	Объект	----	475 452,2	---	---
2	Гулобод МФЙ Хурдиёр кўчасини жорий таъмирлаш	Объект	317 000 000	----	---	---

Тендер танлов конкурсиди Қорабой МФЙ, Хунарманд ҳамда Гулобод МФЙ Хурдиёр кўчаларини жорий таъмирлаш, ҳамда объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш, таъмирлашда сифатли ва арзон хизмат кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш учун комиссия аъзолари тижорат таклифлари бўйича нархларни кўриб чиқиб, Қорабой МФЙ, Хунарманд кўчасини “RAVON YOLLAR” MCHJ, Гулобод МФЙ Хурдиёр кўчасини “HUSNIYAHON PLUS” MCHJ корхоналари томонидан кўрсатган нархини арзонлигини аниқлади, шунингдек юқоридагиларни кўриб чиқиб комиссия аъзолари

**Қарор қилади:**

1. Қорабой МФЙ, Хунарманд ҳамда Гулобод МФЙ Хурдиёр кўчаларини жорий таъмирлаш, объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топширишда ҳамда сифатли ва арзон хизмат кўрсатувчи тижорат таклифлари бўйича нархи кўриб чиқилиб, 2 кунлик муҳокамадан сўнг, Қорабой МФЙ, Хунарманд кўчасини “RAVON YOLLAR” MCHJ, Гулобод МФЙ Хурдиёр кўчасини “HUSNIYAHON PLUS” MCHJ корхоналари томонидан бошқа қатнашчиларга нисбатан бажариладиган ишлар арзон нархда бўлганлиги сабабли ғолиб деб топилди. Қорабой МФЙ, Хунарманд ҳамда Гулобод МФЙ Хурдиёр кўчаларини жорий таъмирлаш, объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш учун шартнома тузиш белгиланди.

**Комиссия аъзолари:**

1. Инфратузилма бўлими бошлиғи:

2. Объектларни сақлаш бўлими бошлиғи:

3. Бўлим муҳандиси:

4. Участка бригадири:

5. Участка бригадири:



А.А.Махамедов

Д.С.Тажобаев

С.Д.Дарханов

Д.К.Ахинов

Б.Ж.Бойзоқов